

КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Атақулов Усман Махмадаминович

*Alfraganus University “Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ” кафедраси
доценти в.б., иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
usman-uz87@mail.ru*

Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк объектларини солиққа тортиш ва унинг маҳаллий бюджетдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Дунё мамлакатларида кўчмас мулк солиғи жами бюджет даромадларининг 10 фоизгача бўлган қисмини ташкил қилади. Хусусан, Швецияда 1 фоиз, АҚШда 9 фоиз, Буюк Британияда 10 фоиз. Ушбу солиқнинг маҳаллий бюджетдаги тутган ўрни Францияда 20 фоизни, Буюк Британияда 30 фоизни, Канадада 40 фоизни ташкил қилади[1].

Ривожланган давлатларда кўчмас мулк объектларининг бюджет даромадларини тўлдиришдаги аҳамияти ортиб бориши билан уларни солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда барча давлатларда кўчмас мулк объектларини сотиб олиш инсонлар орасида машҳур сармоя ҳисобланади. Бироқ, ҳамма ҳам сотиб олинган кўчмас мулк объектига солиқ юкини ҳисобга олмайди.

Барча давлатларда хусусан, Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк объектларини солиққа тортишнинг ҳуқуқий механизми яратилган бўлиб, шу асосида солиқ сиёсати амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМда кўчмас мулк объектларига — ер участкалари, бинолар ва иншоотлар (шу жумладан ер ости иншоотлари) ва кўп йиллик дов-дарахтлар кириши белгиланган [2].


Ўз навбатида кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, жумладан битимлар асосида юзага келадиган кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиши билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига асосан кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ талаблари Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Қонунга асосан мустаҳкамланди. Шундан келиб чиқиб, қонунчиликда бир хил мазмундаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Қонунга асосан давлат рўйхатидан ўтиши белгиланган

кўчмас мулк объектларнинг бир қанча турларига татбиқ этилиши белгиланди.

Қуйида давлат рўйхатидан ўтиши белгиланган кўчмас мулк объектлари рўйхатини кўриб ўтамиз (1-расм).



1-расм. Давлат рўйхатидан ўтиши белгиланган кўчмас мулк объектлар рўйхати [3]

Юқоридаги расмда қайд этилган кўчмас мулк объектлари давлат рўйхатидан ўтиши белгиланган бўлса-да уларни солиққа тортиш жараёни Солиқ кодекси билан турлича белгиланган.


Ушбу объектларнинг ва Солиқ кодексида солиққа тортиладиган ва солиққа тортилмайдиган кўчмас мулк объектларини қуйидаги расмда таҳлил қилиб ўтамиз (2-расм).

2-расмдаги объектлар Солиқ кодексининг 411-моддасига асосан кўчмас мулк объектлари сифатида эътироф этилиб, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблашда солиқ ҳисобланадиган ва ҳисобланмайдиган объект сифатида ажратиб ўтилган [4].

Солиқ кодексининг бошқа моддаларида кўчмас мулк объектларига қайси объектлар кириши алоҳида ажратилмаган. Бу эса кўчмас мулк солиғини жорий этишда ноаниқликларни келтириб чиқариши табиий. Шу сабабли кўчмас мулк солиғини жорий этишдан олдин кўчмас мулк объектларини Солиқ кодексининг алоҳида моддасида акс эттириш ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

-бугунги кунда амалда бўлган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджетни тўлдиришда кичик тизим сифатида хусусан, кўчмас мулк объектларини солиққа тортишда юзага келадиган муносабатларни ўзида акс эттиради;



2-расм. Солиқ кодексида эътироф этилган кўчмас мулк объектлари [4]

-мамлакатимизда солиққа тортиладиган кўчмас мулк объектларининг таркиби, солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларнинг сони, ҳисобланган солиқларнинг миқдорини ўрганар эканмиз, таҳлиллар натижасида солиққа тортилмасдан қолиб кетаётган объектларнинг таркиби кўп эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу кўчмас мулк объектларни солиққа тортишни такомиллаштириш муҳим аҳамиятли масалалардан бири ҳисобланади;

-шиддат билан ривожланиб бораётган замонда кўчмас мулк объектларини солиққа тортиш бу борада кўчмас мулк солиғига ўтиш асосида солиққа тортиш механизмнинг ҳуқуқий асосларини бугунги кун талабларига мослаштириш, юридик ва жисмоний шахсларни ўз вақтида солиққа тортилишини таъминлашга хизмат қилади;

- ўрганишларимиз davomida shu narsa maълum бўлдики, умуман кўчмас мулк ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида маълумотлар ягона қонунчиликда акс этиши уни талқин қилишда тушунмовчиликларнинг олди олинишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воронин С., Корабоев Б., Ниязметов И., Угай Д. Международный опыт налогообложения недвижимости// Общество и экономика. -2021. - Выпуск 2. С.119-130.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарорига 1-илова.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 ноябрдаги Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ЎРҚ-803-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.
5. <https://www.lex.uz>

FOND BOZORI RIVOJLANISHINING TAHLILI VA UNING IQTISODIYOTGA TA’SIRI

Axmedov Doniyorbek

*Mustaqil tadqiqotchi, “Freedom Broker” MCHJ b
rokerlik xizmatlari boshqarmasi boshlig’ o’rinbosari*

Fond bozori – bu mamlakat iqtisodiyotining samarali ishlashi va barqaror o’sishini ta’minlovchi muhim moliyaviy mexanizmlardan biridir. Ushbu bozor moliyaviy resurslarni korporatsiyalar, davlatlar va investorlar o’rtasida taqsimlaydi, bu esa kapital oqimini optimallashtirish va investitsiyalarni jalb qilishda hal qiluvchi rol o’ynaydi. Zamonaviy iqtisodiyotda fond bozorining samarali faoliyati korporatsiyalar va davlat tashkilotlariga uzoq muddatli kapitalni jalb qilish imkonini beradi, bu esa yangi loyihalarni moliyalashtirish, ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirish va innovatsiyalarni joriy etishda katta ahamiyat kasb etadi.

Dunyo bo’ylab rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarda fond bozorining rivojlanishi iqtisodiy o’sish uchun asosiy mexanizmlardan biri sifatida qabul qilinadi. Masalan, AQSh, Yevropa Ittifoqi davlatlari va Yaponiya kabi davlatlar fond bozorlarini samarali boshqarish orqali iqtisodiy barqarorlik va moliyaviy o’sishni ta’minlab kelmoqda. Ushbu mamlakatlarda fond bozorining yuqori likvidligi kapital oqimlarini samarali boshqarish, korporativ va davlat loyihalarini moliyalashtirish hamda investorlar uchun yangi imkoniyatlar yaratishda muhim vositadir. Fond bozorining rivojlanishi moliyaviy resurslarni qisqa muddatli moliyalashtirishdan uzoq muddatli kapital investitsiyalariga yo’naltirishga yordam beradi.

O’zbekiston uchun ham fond bozorining rivojlanishi muhim strategik yo’nalishlardan biridir. So’nggi yillarda mamlakatda amalga oshirilayotgan